



ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА ХАЛҚАРО АУДИТОРЛИК СТАНДАРТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Расулов Шерзод Шароф ўғли

ЖизПИ, ўқитувчиси

Махмудов Самандар Музаффар ўғли

ЖизПИ, талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16891935>

Аннотация: Ушбу мақолада аудиторлик текширувларида ички назорат тизими самарадорлигини баҳолашнинг асосий босқичлари ёритиб берилади. Ички назорат тизими аудиторлик жараёнида корхона фаолиятининг молиявий ҳисоботлар ишончлилиги, ресурслардан самарали фойдаланиш ва хатарларни бартараф этишда муҳим ўрин тутди. Мақолада ички назорат тизимини баҳолашнинг тайёргарлик, ахборот тўплаш, таҳлил қилиш, синов ва хулоса чиқариш босқичлари изчил равишда кўриб чиқилади. Шунингдек, аудиторлик амалиётида халқаро стандартлар ва миллий меъёрлар асосида самарадорлиқни баҳолаш усуллари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: аудиторлик текшируви, ички назорат тизими, самарадорлик, баҳолаш босқичлари, молиявий ҳисобот, хатарлар, аудиторлик стандартлари, таҳлил.

Abstract: This article highlights the main stages of evaluating the effectiveness of the internal control system in audit procedures. The internal control system plays an important role in ensuring the reliability of a company's financial statements, the efficient use of resources, and the mitigation of risks during the audit process. The article consistently examines the stages of preparation, data collection, analysis, testing, and conclusion in assessing the internal control system. In addition, methods for evaluating effectiveness based on international auditing standards and national regulations are analyzed.

Keywords: audit procedures, internal control system, effectiveness, evaluation stages, financial statements, risks, auditing standards, analysis.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барқарор тарзда ривожланиши, молиявий ҳолатининг яхшиланиши кўп жиҳатдан уларда мавжуд бўлган ички назорат тизимига боғлиқ. Ички назорат тизими такомиллаштириш, ривожланиш усуллари асослаш ва амалга ошириш ҳамда хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлашни ўз ичига олувчи доимий жараёни ўз ичига олади.

Ички назорат тизими - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ҳамда ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндиси¹.

Аудиторлик текширувини ўтказишда аудитнинг сифати ва самарадорлиги муҳим ўрин тутди. Бунинг учун, аввало, аудитор текшириладиган мижоз хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими ҳолатини муфассал ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудиторлик рискига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор рискни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Ички назорат ҳақида гап кетганда шунга эътибор бериш керакки, у фақатгина аниқ мақсадга эришиш учун йўналтирилгандагина фойдали ҳисобланади ва назорат натижаларини баҳолашдан олдин, ушбу мақсадларни аниқлаш лозим. Ички назоратнинг асосий мақсади қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ✦ ишончилилик ва ахборотнинг тўлиқлиги;
- ✦ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келиш;
- ✦ ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- ✦ хўжалик юритувчи субъект бўлимларини муйян мақсадга эргаштириш.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг мақсади аудиторлик текшируви даври ва кўламини тўғри белгилаб олиш ҳисобланади. Айнан ички назорат тизимига тўғри баҳо бериш орқали хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш дастури тўғри белгиланиши мумкин. Бундан ташқари ички назорат тизимига баҳо бериш ёрдамида аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект фаолиятини такомиллаштириш бўйича маслаҳат бериши мумкин.

Текширув вақтида аудитор мос келадиган аудиторлик амалларининг моҳияти, кўлами ва унга сарфланган харажатларни аниқлаш учун назорат воситаларини ўрганиши ва тўғри баҳолаши мақсадга мувофиқдир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ички назорат тизимининг кўлами ва

¹ Аудиторлар учун қўлланма. -Т.: ЎБАМА, 2007. – 160'б.


хусусиятлари, шунингдек, унинг шаклланиш даражаси хўжалик юритувчи субъектнинг кўлами ва унинг фаолияти хусусиятларига мос келиши зарур.

Ички назорат тизимининг ташкил қилиниши ва амал қилишининг самарадорлигини баҳолаш вақтида аудитор мазкур хўжалик юритувчи субъектда ташкилий тузилмаси, раҳбариятнинг роли ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини белгилаши зарур.

Ички назорат тизими қуйидагиларни талаб қилади: аниқ белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга ходимларнинг ишончи бўлиши; ички аудит хизмати учун талаб даражасида шароитлар яратилганлиги; штатдаги ходимларнинг малака ошириши ва меҳнат хавфсизлигининг ташкил этилганлиги; штатлар жадвалида ички аудит хизмати ходимларининг иш ҳақи даражасининг қатъий белгиланганлиги.

Ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш аудиторлик текшируви давомида аудиторлик ташкилоти томонидан иш ҳужжатларида расмийлаштирилиши шарт.

Умуман, аудитор томонидан ички назорат тизимини баҳолаш қуйидаги учта босқичдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:



1-расм. Ички назорат тизимини баҳолаш босқичлари²

Аудитор хўжалик юритувчи субъектда мавжуд ички назорат тизимига баҳо бериш учун, аввало, ушбу тизимнинг ҳолатини ўрганиши лозим. Ички назорат тизими билан танишиш пайтида хўжалик юритувчи субъектнинг таркибий тузилиши, шўъба ва қарам корхона ёки бўлинмаларнинг мавжудлиги, мулкчилик шакли, фаолият тури каби жиҳатларни ўрганиши шарт.

Аудиторлик текширувларида ички назорат тизими самарадорлигига тўғри баҳо берилиши аудиторлик рискин камайтириш, аудиторлик

² Муаллиф томонидан тузилган



текшируви вақти ва ҳажмининг оптимал тақсимланиши, аудиторлик текширувлари сифатининг ошишига, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъект барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Gaybullayevna, R. S. ., & Musurmangulov. (2024). THE IMPORTANCE OF TIME MANAGEMENT IN ENSURING EFFICIENCY IN CONSTRUCTION. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 3(1), 28-31.
2. Gaybullayevna, R. S. (2023). THE STATE OF THE DIGITAL ECONOMY TODAY: PROBLEMS AND SOLUTIONS. JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE, 2(12), 38-42.